

**БУГУНГИ КУНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ
ИЖТИМОЙ ЖИҲАТИЛАРИНИНГ ТАХЛИЛИ**

САЪДУЛЛАЕВА НОДИРА АВАЗХАНОВНА
НБТ КОНСАЛТИНГ КОМПАНИЯСИ СОЦИОЛОГИ

Аннотация: Ушбу мақолада мақолада янги Ўзбекистонда бугунги кунда гендер тенглик муносабатларнинг ижтимоий жиҳатларининг тахлили ва сўнги йилларда гендер тенглиги бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар мазкур соҳага оид қабул қилинган қарорлар, стратегия ва қонунлар асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Гендер тенгсизлиги, хотин-қизлар, гендер тенгликка эришиш стратегияси, тайзиқ, зўравонлик, ҳимоя, кафолат.

КИРИШ. Бугунги кунда гендер тенглик муносабатларнинг ижтимоий жиҳатларининг тахлили жаҳонда долзарб масалардан бирига айланган. Гендер тушунчасини эркаклар ва хотин-қизларни жамият ҳаётида бирдек фаол иштироки, уларнинг тенг ҳуқуқ ва бурчларга эга эканлиги деб талқин этиш анча кенг тарқалган. Аммо гендер тушунчаси фақат аёллар манфаатини ифодаламайди. Балки ҳар икки жинс вакиллариининг ўз орзу ва мақсадлари сари дадил одимлашларига, ҳаёт сифатини ошириш учун уларга бир хил имкон бериш кераклигини ҳам англатади. Айнан ривожланган жамиятларнинг талабларидан бири – бу эркак ва аёл ҳуқуқлари тенглигини таъминлашдир. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 46- моддасида “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар”, [1] деб белгилаб қўйилган. Дарҳақиқат, гендер тенглик – бу мамлакатнинг демократик тараққиёт даражасини белгиловчи омиллардан биридир. Бошқача қилиб айтганда, ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш, юртга тобора кўпроқ инвестиция жалб қилиш, туризм имкониятларидан самарали фойдаланиш учун ҳам бу омилга алоҳида этибор бериш лозим. Афсуски, бугунги кунда Ўзбекистон ҳам —Гендер тенгсизлиги индекси рейтингида 57-ўринда туради. Жаҳонда хотин-қизлар учун ҳуқуқ ва имкониятларни кенгайтириш борасида АҚШ учун ҳам устувор вазифалардан бири саналади. Давлат котиби Майк Помпеонинг таъкидлашича, —Гендер нотенгликка ечим топиш бу тез битадиган иш эмас, балки кўп ҳаракатлар ва ресурслар талаб этадиган катта вазифадир. Гендер нотенгликка барҳам бериш учун узоқ вақт ва тизимли ишлар олиб бориш керак. Ўзбекистон статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2017 йили иқтисод соҳасида эркакларнинг 61,5%, аёлларнинг эса 38,5% меҳнат билан банд бўлган. БМТнинг хабар беришича, ўрта таълим олган хотин-қизларнинг фақат 35% ишлайди, олий

муълумотли хотин-қизларнинг 68% иш билан таъминланган. 2018 йилда Ўзбекистон ҳукумати барқарор ривожланишнинг 16 та миллий мақсадлари ва 127 та миллий вазифаларини қабул қилган эди. Шу билан бирга, гендер тенглик бўйича 5-мақсадга мувофиқ, Ўзбекистон қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олган: • бутун мамлакатда хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш; • давлат ва хусусий секторда барча хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг ҳар қандай шаклларини бартараф этиш; • жамият ҳаётининг барча даражаларида раҳбарлик лавозимларида хотин-қизларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини таъминлаш; • давлат дастурларини қабул қилишда гендер тенглиги тамойилларига тўлиқ амал қилиш. Сўнгги бир йил муддат ичида Ўзбекистон гендер тенглиги ва аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш тўғрисидаги иккита қонунни қабул қилиш, шунингдек, имкон қадар кўп сонли аёлларни раҳбарлик лавозимларига, тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, таълим олиш имкониятларини яратиш, шунингдек, оиладаги зўравонлик ҳолатларига барҳам беришга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ушбу мажбуриятларнинг амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Жамият ҳаётининг қай даражада кечиши, ривожланиш сари қўйилаётган қадамлар, қолаверса, исталган ҳаракатдан кутиладиган натижалар албатта кўп жиҳатдан ижтимоий муносабатлар билан бевосита боғлиқ. Жамият ҳаётининг қай даражада кечиши, ривожланиш сари қўйилаётган қадамлар, қолаверса, исталган ҳаракатдан кутиладиган натижалар албатта кўп жиҳатдан ижтимоий муносабатлар билан бевосита боғлиқ. Айнан шу муносабатлар ҳаётимизнинг барча жабҳалари – меҳнат фаолияти, оила, маҳалла, ўқиш, мулоқот ва бошқа турли жараёнларни бошқариб келади. Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиқ масаласи ҳам мазкур жараёнларда муносабатларни қонунан тартибга солиниши билан аҳамиятли.

Сўнгги йилларда Президентимиз томонидан хотин-қизлар масалаларига, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, маиший ҳаётдаги муаммоларини ҳал қилиш, иқтидори ва имкониятларини кўрсатиш учун қулай шароит яратилмоқда. Оилада, жамиятда, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида ижтимоий муносабатларда ҳам, қонунчиликда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишда туб бурилиш ясади. Мазкур қарорда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш юзасидан янги қонунлар ишлаб чиқилиши муҳим вазифа сифатида белгиланган

эди. Белгиланган қонунларнинг ишлаб чиқилиб, муҳокама этилиб, маъқуллангани қарор ижросининг таъминланганини кўрсатади. Олий Мажлис Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлисида маъқулланган ҳамда Президентимиз томонидан имзоланган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг мақсади хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш, соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборат. Бундан ташқари, у кўплаб масалаларга ойдинлик киритиш, фаолиятда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда фаол истеъмолда бўлган гендер сўзининг тушунилиши ва қўлланиш ҳолатларидаги нотўғри талқин ва тасаввурлар мавжудлигини айтиш жоиз. Хусусан, гендерни аёллар мавзуси ёки уларнинг устунлигига оид тушунча деб қараш қузатилади. Албатта, бу тўғри эмас. Гендер – бу хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ҳамда фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим, илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати эканлиги мазкур қонунда аниқ ёзиб қўйилган. Бу масалага оид тушунчаларга берилган тегишли изоҳларнинг мавжудлиги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Қонунда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари сифатида қонунийлик, демократизм, жинси бўйича камситишга йўл қўйилмаслик, очиклик, шаффофлик белгилаб берилган.

Эндиликда бу йўналишда норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш муҳим бўлиб, бу доирада давлат дастурлари, миллий ҳаракатлар режалари ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш энг муҳим вазифалар ҳисобланади. Чунки ушбу ҳужжатларни яратиш, аниқ ижро механизмларини ишлаб чиқиш орқали хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар бўйича ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, жамият, давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг иштирокини таъминлаш, масъулиятли оналик ва оталикни шакллантириш каби йўналишларда фаолият ташкил этилади.

Қонуннинг қабул қилиниши давлат бошқарувида аёлларнинг эркаклар билан тенг шароитда иштирок этишини, айниқса, раҳбарлик лавозимларида ҳам ишлаши мумкинлиги кафолатлайди. Шунингдек, қонунда ҳокимият вакиллик органларига сайловларда ҳам сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланиши белгилаб қўйилди.

Жамиятда аёлларнинг камситилишига йўл қўядиган, асосиз тенгсизлик натижасида ҳаётида қийинчиликлар келиб чиқаётган оилаларнинг ҳам борлиги ачинарли ҳол, албатта. Таъкидлаш жоизки, оилавий муносабатларда, айниқса, болалар тарбиясида она ҳам, ота ҳам бирдек масъулдир. Қонунда бу борада ҳам эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари аниқлаб берилган бўлиб, уларнинг тенг мажбуриятларга эга эканлиги ёзиб қўйилган. Бу борада аёллар ва эркаклар никоҳининг ихтиёрийлиги, мажбурий ва эрта никоҳларга йўл қўйилмаслиги, эр-хотинларнинг шахсий ва мулкый ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенглиги кабилар шулар жумласидандир. Бола туғилиши муносабати билан ҳақ тўланадиган таътил олишда ота ҳам, она ҳам тенг ҳуқуққа эга. Болага қараш бўйича таътилнинг давомийлиги ота-онанинг ихтиёрига кўра улар ўртасида тақсимланиши, бунда ота-она таътидан қисмларга бўлган ҳолда фойдаланишлари мумкинлиги ҳам айнан гендер тенгликнинг ифодасидир. Қонун таълим, илм-фан, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини ҳам акс эттирган. Таъкидлаш жоизки, ушбу соҳаларда мамлакатимизда аёллар фаол меҳнат фаолиятни олиб борадилар. Таълимнинг барча босқичларида, илмий-тадқиқот, тиббиёт соҳаларида меҳнат қилаётган аёллар кўпчилигини ташкил этиши маълум. Эндиликда турли таълим дастурларига гендер мавзусини жорий этиш орқали фуқароларнинг гендер хабардорлигини оширишга кўмаклашиш, жинслардан бирининг устунлиги ғоясига асосланган нотўғри тасаввурлардан холи ўқув адабиётларини тайёрлаш ва чоп этиш, гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлаш масалалари бўйича аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ахборот-маърифий тадбирларни ташкил этиш каби фаолият йўналишларида кўплаб ишларни амалга ошириш зарур бўлади. Гендер тенгликка эришиш Стратегиясига асосан, узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, гендер тенгликка эришиш бир қатор дастурлар йўналишларида амалга оширилади. Давлат хизматида, ижтимоий-иқтисодий, оилавий, сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш, шулар жумласидандир. Шунингдек, Стратегияда гендер тенгликни таъминлаш тадбирларини ҳисобга олган ҳолда, давлат дастурларини бюджетлаштириш ва молиялаштириш ҳам кўзда тутилган. Бундан ташқари, юқори ва қўйи тизимдаги давлат органларидаги раҳбарлик лавозимларига хотин-қизларни тайинлаш амалиёти кенггайтириб борилади.

Эътиборли жиҳати шундаки, бугунги янгиланаётган жамиятда аёлларнинг сиёсат ва иқтисодиётга кенг жалб қилиниши туфайли гендер тенглиги борасида муайян ўзгаришлар, силжишлар, ҳаттоки, ютуқлар кўзга ташланмоқда. Хусусан, Гендер тенглик индексида Ўзбекистон 188 та мамлакат орасида 57 ўринни эгаллаб турибди. Бу кўрсаткич хотин-қизлар таълим олиши ва иқтисодий

фаоллиги юқори даржада эканлиги билан изоҳланади. Ёки 2019 йил декабрь ойида бўлиб ўтган парламент сайлови якунлари бўйича Ўзбекистон тарихида илк бор миллий парламентдаги аёллар сони 32 фоизга етди. Парламентлараро Игтifoқнинг “Миллий парламентларда аёллар” рейтингига кўра, Ўзбекистон парламенти 193 давлат орасида 44 ўринни эгаллади. Сиёсий партияларда хотин-қизларнинг улуши 46 фоизга, олий таълимда 47 фоизга етди. Мамлакат раҳбарлик лавозимларида аёллар ва эркеклар нисбати мос равишда 27 фоиз ва 73 фоизни ташкил этди [6]. Мухтарам аёлларимиздан 16 нафари Ватанимизнинг энг олий мукофоти – “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига, иқтидорли қизларимиздан 311 нафари Зулфия мукофотига сазовор бўлганлиги янада қувончлидир.

“Келажакда Ўзбекистон ва Марказий Осиё аёлларини қандай тасаввур қиласиз?” деган саволга жавоб берар экан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти раҳбари Танзила Норбоева шундай дейди: “Мен келажакда Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари аёлларини албатта соғлом ва бахтли аёллар сифатида тасаввур қиламан. Ҳозир ҳақиқатга айланган эркин танлов имконияти бундай бахтга эришишга ёрдам беради, деб ўйлайман. Мамлакатимиз ва минтақамиз хотин-қизлари турли соҳаларга тобора кўпроқ жалб этилмоқда, уларнинг ўрни фақат ошхонада, деган эскича қарашларга барҳам берилмоқда. Бундай кейин ҳам юртдошларимиз муҳим қарорлар қабул қилишда олдинги сафда бўлишади. Давлатимиз жамиятда тотувликни таъминлашни мақсад қилиб қўйган экан, буни гендер тенгликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ишончим комилки, тез орада бу иш доимий ва узоқ муддатли натижалар беради” [7].

ХУЛОСА. Хулоса қилиб айтганда, янгиланаётган Ўзбекистонда гендер тенглик масаласи жамият ривожидан муҳим аҳамият касб этмоқда. Хотин-қизларнинг оилада, жамиятда, қолаверса, давлат бошқарувидаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида ижтимоий муносабатларда ҳам, қонунчиликда ҳам катта ўзгаришлар рўй бермоқда.

REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – “Ўзбекистон”, Тошкент, 2019 йил, 17-бет.
2. Қаранг: “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги (ЎРҚ-562-сон) ва “Хотин қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (ЎРҚ-561-сон) Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари. 02.09. 2029 й.
3. “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори, 28.05.2021 й., СҚ-297-IV-сон.
4. Ўша жойда.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. – “Халқ сўзи”, 7-март, 2022 й.
6. <https://yuz.uz/https://yuz.uz/news/tanzila-narbaeva-gender-tenglik-yangi-ozbekiston-ustuvor-yonalishining-ajralmas-qismiga-aylandi>

Олий таълим муассасаларининг таълим дастурлари ва малака ошириш курсларида гендер тенглик масалаларига оид курсларнинг ишлаб чиқирилиши ва амалга киритилиши ёшларимизни мазкур қонунда кўзда тутилган масалаларни тўғри талқин қилиш, ҳаётда ўзаро ҳурмат асосида фаолият юритишга ўргатади. Гендер тенглик жамият ривожига муҳим бўлган ижтимоий муносабатларда долзарб аҳамиятга эга эканлиги бугунги кунда янада яққол намоён бўлмоқда.